ИЛМИЙ ФАРАЗ ОРҚАЛИ ТРАНСГРАВИТАЦИЯВИЙ ВА СОЦИОДИНАМИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

К. А. Юнусов

Мақолада трансгравитациявий ва социодинамик жараёнларнинг моҳияти, амал қилиш хусусиятлари, уларни илмий фараз усули орқали тадқиқ этиш ва олинган билим натижаларининг илмий ҳамда амалий аҳамияти ёритилган. Мазкур жараёнларнинг жамият ҳаётида, ижтимоий гуруҳлар, халқ, миллат, давлат ва давлатлараро муносабатларда намоён бўлиш хусусиятлари кўрсатиб берилган.

***Калит сўзлар**: объектив қонунлар, мантиқий тафаккур юритиш, илмий фараз, трансгравитация, априор ҳодисалар, соҳибқирон, социодинамика, руҳий ва моддий олам.*

В статье освещена сущность процессов «трансгравитации" и "социодинамики" как объективная закономерность и их проявление в обществе с помощью метода научной гипотезы. Изучаются особенности данных процессов как объективные закономерности и их воздействие на общественное развитие.

***Ключевые слова**: объективные законы общества, логическое мышление, научная гипотеза, априори, трансгравитация, социодинамика, духовный и материальный мир.*

This article studies the essence of processes "transgravitation", "sociodynamics" as objective regularity and their manifestations in society from the help of a method of a scientific hypothesis. It also investigates the features of these processes as objective regularities and their influences on social development.

'Transgravitational' and 'sociodynamic' processes as objective regularity of society from the point of view of social philosophy and sociology are considered. Their specific features are studied.

***Keywords**: objective laws of society, logical thinking, scientific hypotheses, a priority, transgravitation, sociodynamics, inner and material world.*

Кишилик жамиятининг жуда қадим замонларидан бошлаб олимлар, мутафаккиру алломалар оламни билишда турли, ажабтовур усул ва воситалардан: турли асбоб-ускуналар, кузатиш, ўлчаш, қиёслаш ва бошқа кўплаб усуллардан фойдаланганлар ва кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғояларни илгари сурганлар.

Шундай ҳодисалар борки, улар бизнинг тажрибамиздан ташқарида, машҳур немис файласуфи Иммануил Кант (1724-1804) ибораси билан айтганда, "априор" (*лотинча a priori* – тажрибадан ташқари) хусусиятга эга. Бундай вазиятларда, одатда, олам ҳодисалари тўғрисидаги мавжуд билимлар, кузатиш натижаларига таянган ҳолда чуқур тафаккурга асосланган илмий фараз усулидан фойдаланиб келинган. Фикримизга тарихдан кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Қомусий билимлари билан ўрта асрларда довруғи дунёга кетган буюк мутафаккир бобомиз Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўзининг геодезияга оид билимлари асосида мантиқий тафаккур юритиш орқали 1037 йилда илгари сурган илмий фарази билан Христофор Колумбдан қарийб беш юз йил илгари уммон ортида катта ер – қитъа (Америка қитъаси) борлиги тўғрисидаги назарий фикрни илгари сурган. Берунийнинг мазкур илмий башорати кейинчалик ғарб давлатларига тарқалиб, Американинг кашф этилишига назарий жиҳатдан асос бўлган десак, муболаға бўлмайди. Яъни мазкур илмий фараз муҳим тарихий ҳамда илмий қимматга эга бўлди.

Д.И.Менделеев (1834-1907) 1869 йилда даврий қонунини кашф этиш орқали кимёвий элементларни тизимлаштириш масаласини муваффақиятли ҳал қилган. У даврий тизимлаштиришда кўп қийинчиликка дуч келган бўлиб, буларнинг асосийси ҳали кўплаб кимёвий элементларнинг фанга маълум эмаслиги эди. Даврий система кашф этилган вақтда фанга 63 та кимёвий элемент маълум бўлса, ҳозирда уларнинг сони – 118 та: ўтган давр давомида 55 та кимёвий элемент кашф этилди. Қизиғи шундаки, Д.И.Менделеев фанга ҳали маълум бўлмаган кимёвий элементларнинг мавжудлигини мантиқий тафаккурга асосланган ҳолда олдиндан илмий фараз қилиб, ўзининг даврий системасида улар учун жой ажратган. 1871 йилда ёзилган бир мақоласида у ҳали фанга маълум бўлмаган учта кимёвий элемент:

даврий системада тартиб рақами 21-чи бўлган Sc (Скандий), 31-чи тартиб рақамидаги Ga (Галлий) ва 32-чи ўринда жойлашган Ge (Германий)ларни башорат қилди. Башоратдан кейин 15 йил давомида уларнинг учаласи ҳам кашф этилган [4.32].

Ушбу маълумотларни келтиришдан мақсад, муайян билимларга таяниб, мантиқий тафаккур юритиш орқали илмий фараз усулидан фойдаланган ҳолда, келгусида кашф қилинадиган ва инсоният ҳаётида рўй берадиган, унга жиддий таъсир кўрсатадиган кўплаб ҳодисалар тўғрисида фикр ва ғояларни илгари суриш мумкин ва улар ўзининг илмий ҳамда амалий қимматига эга бўлади, деб ҳисоблаймиз. Қуйида, илмий фараз усулидан фойдаланган ҳолда ана шундай ҳодисалар: трансгравитациявий ва социодинамик жараёнларни тадқиқ этиш бўйича баъзи бир фикрларимизни баён этишга жазм қилдик.

Шу журналда илгарироқ эълон қилинган мақоламизда социогравитация қонуни, унинг моҳияти ва амал қилиш хусусиятлари тўғрисида фикр юритган эдик [3.33-36]. Мақолада оламнинг ягона тизим экани, ундаги барча нарса ва ҳодисалар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжудлигию ўзаро алоқадорликда бўлиши, Қуёш тизимидаги сайёралар курраи заминимизга, ер юзида кечаётган барча ҳодисаларга: иқлим ўзгаришларига, микроорганизмлардан тортиб барча жонли табиатга, шу жумладан, инсон ҳаёти, унинг дунёга келиши, ривожланиши, улғайиши, саломатлиги, кайфияти, характери ва иш фаолиятига мунтазам ва жиддий таъсир кўрсатиши, шунингдек, табиий муҳитда рўй берадиган турли жараёнлар ижтимоий воқеликда ҳам катта оқибатларга олиб келиши тўғрисидаги мулоҳазаларимизни баён қилган эдик.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу мақолада эса гравитация билан боғлиқ тушунчаларни янада кенгроқ маънода олиб қараб, хусусан, илмий фараз усулидан фойдаланган ҳолда трансгравитациявий ва социодинамик жараёнлар, уларнинг кишилик жамияти тараққиётига кўрсатадиган таъсири тўғрисида сўз юритамиз. Трансгравитациявий жараёнлар (лотинча trans “аро”, лот. “gravitas” – тортилиш) фазо ва вақтлараро тортилиш маъносини англатади. Ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам айрим улуғ алломалар, мутафаккирлар бундай жараёнларни илмий фараз орқали ўрганганлар. Трансгравитациявий жараёнлар ўзининг объектив ва субъектив жиҳатларига эга. Объектив жиҳати – уларнинг ҳақиқатда ҳам мавжудлиги, амал қилиши бўлса, субъективлиги – интеллектуал жиҳатдан ўз замонидан ўзиб кетган туғма қобилият, ноёб ақл эгаларининг оддий одамлар ақлига сиғмайдиган ҳодисалар тўғрисида аниқ тасаввурларга эга бўлиши, келажакни олдиндан кўра билишини англатади. Қуйида уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр билдирамиз.

Аввал, трансгравитациявий жараёнларнинг объектив жиҳатларига тўхталамиз.

Қадимги Юнон мифларида Ер юзида тинчлик ва барқарорликни таъминловчи маъбуд деб Юпитер билинган. Бу бежиз эмас. Маълумки, Қуёш тизимида жойлашган Юпитер сайёрасининг диаметри Ер диаметридан 11 маротаба, ҳажми эса 318 маротаба катта бўлиб, ўта кучли гравитация қувватига эга: унинг гравитация кучи сайёрамизникидан 2,5 баробар юқоридир[5]. Шу хусусияти боис Юпитер коинотдан Ер йўналишида ҳаракатланувчи турли катталикдаги коинот жисмларини ўз бағрига тортиб, сайёрамизда осойишталик, ҳаётнинг давомийлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам унинг сирти кўплаб чуқурликларга тўлиб-тошган. Агар бундай “қўриқчи” бўлмаганда, Ер юзида ҳаёт деган буюк неъматнинг ўзи бўлмас эди. Ушбу ҳодиса трансгравитациявий жараёнга ёрқин мисол бўла олади. Яъни бир тизимдаги кучли тортилиш (гравитация) кучи бошқа тизим фаолиятига ўзининг муҳим (ижобий ёки салбий) таъсирини кўрсатади.

Трансгравитациявий жараёнлар маконлараро таъсир кўрсатиш хусусиятини англатиб, Ер юзида ҳаётнинг давомийлигини таъминлабгина қолмасдан, жамият тараққиётига, унда рўй берадиган муҳим ўзгаришларга ҳам сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда, трансгравитациявий жараёнлар социодинамик жараёнларнинг юзага келиши, амал қилиши ва келгусида қай йўсинда кечишига ҳам жиддий таъсир кўрсатган ва кўрсатиб келмоқда.

Трансгравитациявий жараёнлар ўз моҳиятига кўра ижобий ёки салбий аҳамият касб этиши мумкин. Курраи заминимиз тарихида рўй берган иқлим ўзгаришлари, баъзи бир ҳайвонот, наботот турлари (масалан, динозаврлар, мамонтлар), айрим маданият ўчоқлари, цивилизацияларнинг ер юзидан йўқ бўлиб кетгани салбий аҳамиятга эга бўлган трансгравитациявий жараёнларга мисол бўлади.

Ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатувчи трансгравитациявий жараёнлар ҳозирда ҳам мавжуд. 2008 йилда АҚШда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз ҳозирда жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўзининг салбий таъсирини намоён этмоқда. Ғарб давлатларида юзага келган “Оммавий маданият”нинг салбий таъсири турмушимизда, маънавий ҳаётимизда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда, миллий қадриятларимизга хавф солмоқда.

Насроний ва ислом дини номидан иш кўраётган диний экстремистик оқимлар (ҳозирда дунё бўйича уларнинг сони 700дан ошиб кетган) юртимизга четдан кириб келмоқда ва ҳаётимизга маънавий-мафкуравий бузғунчилик таъсирини кўрсатмоқда. Сурия ва Ироқ давлатлари ҳудудида ноқонуний равишда ташкил этилган ИШИД ҳам ҳаётимизга, айниқса, айрим ёшлар ҳаётига ўзининг салбий таъсирини, хавфини намоён этмоқда.

Ижобий аҳамиятга молик трансгравитациявий жараёнлар тўғрисидаги фикримизни улуғ бобомиз Амир Темурнинг дунёга келиши ва шахси билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, буюк бобомиз Амир Темур номига Соҳибқирон сўзи қўшиб айтилади. Соҳибқирон сўзининг маъноси: *соҳиб* – эгаси, **қирон** – яқинлашув, яъни Юпитер ва Зуҳал сайёралари ҳар 800 йилда (Абу Райҳон Берунийда ҳар 960 йилда) [1.112] бир маротаба ўзаро яқинлашиши кузатилган. Қирон кечаси – “қирон аъзам”да туғилган чақалоқ келажакда буюк шахс бўлиб етишган. Бунга жаноби Расулуллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом, Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский), Соҳибқирон Амир Темур Кўрагонларни мисол келтиришимиз мумкин. Улар тарихий шахс сифатида жаҳон тарихи тараққиётида оламшумул роль ўйнаганлар.

Соҳибқирон Амир Темур шундай ёзади: “Балх сарҳадидаги тоғларда туриб, ўша ерда етарли қўшин тўплаб, Мовароуннаҳр мамлакатини бўйсундириш учун юриш қилмоқчи бўлдим. Кенгаш шунда тўхтагач, бу ердан отланиб чиқдим. Одамлар тарқалиб кетиб қирқ отлиқ кишигина қолган эканмиз. Лекин уларнинг бариси аслзода, амирзода ва насли пок йигитлар эди. Шундайин азаматлар бу оғир кунларда нимадандирки мен каби олтину молсиз, озиқ-овқатсиз бир кишига ҳамроҳлик қилиб, менинг измимга кириб (тоғ-тошларда эргашиб юрганлари) учун тангри таолога шукрлар айтдим. Ўзимча: “Аллоҳ таолонинг мен билан қиларлик улуғ ишлари бўлғайким, ўзим каби йигитларни менга бўйсундирмишдир”, - деб ўйладим” [2.25]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Соҳибқирон Амир Темур ўзининг зиммасига юклатилган буюк вазифани яхши англаган. Ҳақиқатан ҳам, у 27 та Шарқ мамлакатини бирлаштириб ташкил этган марказлашган давлат ҳудудда иқтисодиёт, савдо, фан, маданият, санъат гуллаб яшнади. Бир мунча давр тинчлик, барқарорлик таъминланди.

1941 йил 22 июнга ўтар кечаси Самарқандда бобомиз Амир Темур саганасининг очилиши совет давлатига немис фашизмининг бостириб кириши билан бир вақтга тўғри келгани тасодифми? Бунда ҳам бир ҳикмат бор. Зеро, ҳеч бир нарса ва ҳодиса ўз-ўзидан, тасодифан рўй бермайди. Тасодиф деб билган нарса ва ҳодиса муайян бир сабабият билан боғланган бўлади. Фақат уни биз доимо ҳам англай олмаймиз, холос. Муқаддас динимиз ислом ақидаларига қатъий амал қилган, ўз даврида адолат туғини баланд тутган Соҳибқирон руҳининг безовта қилиниши, ўша даврда ҳукм сурган иккита: бирида Иблис, иккинчисида эса даҳрийлик ҳукм сурган империялар тўқнашуви рўй берди. Бу ҳам трансгравитациявий жараёнга мисол бўлади.

Одамларнинг бу ёруғ дунёни тарк этган аждодларининг руҳи билан ўзаро мулоқотда бўлиш ҳодисалари ҳам трансгравитациявий жараёнларга мисол бўлади. Бундай ҳодисаларнинг амал қилиш механизми – моддий оламда, хусусан, инсонда моддий ва руҳий омиллар бирлиги ва уйғунлигидадир. Моддий оламни тарк этган марҳумлар руҳи моддий оламдаги ўз яқинлари, зурриёдлари, шогирдлари билан руҳий мулоқотга киришадилар ва уларнинг ҳолидан бохабар бўладилар. Бундай ҳодисалар аксари ҳолларда тушда кечади. Одамларнинг кўрган тушларида оламдан ўтиб кетган яқинлари ўзлари ҳақида маълумотлар етказиб, кутилаётган фавқулодда ҳодисалар, кўнгилсизликлардан огоҳ этадилар. Ана шу хабарлар руҳий ва моддий олам ўртасидаги трансгравитациявий жараёнларни англатади.

Социодинамика сўзи (лот. “sosiotas” - жамият, юн. “dynamikos” – куч, қувват) жамият ҳаётида амал қиладиган универсал қонунни ўзида ифодалайди. Социодинамика қонунининг жамият ҳаётида амал қилиш механизми нималардан иборат? Социодинамика қонунининг амал қилиши, бизнингча, нотирик табиатдан тирик табиатнинг пайдо бўлиши ва Ер юзида инсониятнинг пайдо бўлишига шарт-шароит яратиб берган жараёндан иборат. Ана шу қонуннинг амал қилиши оқибатида Ер юзида ҳаёт вужудга келган, инсоният жамияти шаклланган ва ривожланиб келмоқда.

Трансгравитациявий жараёнлар социодинамик жараёнларга фаол таъсир кўрсатади. Фикримизга мисол сифатида XX аср охири – XXI аср бошига келиб Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари (Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Индонезия)нинг жадал суръатда ривожланиб кетганини келтиришимиз мумкин. Уммон цивилизацияси [5.68-73] таркибига кирган ушбу мамлакатлар иқтисодиётида кучли социодинамик юксалиш содир бўлди.

Трансгравитациявий жараёнларнинг социодинамик жараёнларга, хусусан, тарихий воқеаларга вақтлараро (бундай таъсир ўз моҳиятига кўра ижобий ёки салбий аҳамият касб этиши мумкин)

таъсирини ўзида ифодалаган кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Трансгравитациявий ва социодинамик жараёнларнинг фазо ва вақтнинг даврий ҳолатларида такроран намоён бўлишини тарихий воқеалар, салбий ва ижобий характердаги тарихий шахслар ҳаёти ҳамда фаолияти мисолида тушунтириш мумкин. Масалан, тарихдан қуйидаги муҳим қиёсларни келтирамиз.

Наполеон 1760 йилда туғилган. Гитлер 1889 йилда туғилган (фарқи 129 йил). Наполеон ҳокимиятга 1804 йилда келган. Гитлер – 1933 йилда (фарқи 129 йил). Наполеон ўз қўшини билан Австрия пойтахти Венага 1812 йилда кириб келган. Гитлер эса Венага 1941 йилда кириб келган (фарқи 129 йил). Наполеон 1812 йилда, Гитлер қўшинлари 1941 йилда Россияга (СССРга) бостириб кирган (фарқи 129 йил). Наполеон 1816 йилда, Гитлер 1945 йилда урушда мағлуб бўлган (фарқи 129 йил). Наполеон ҳам, Гитлер ҳам 44 ёшида ҳокимиятга келган. Иккиси ҳам 52 ёшида Россияга ҳужум қилган ва мағлуб этилганида 56 ёшда бўлган.

Тарихий воқеалар ва тарихий шахслар ўртасидаги фазо ва вақт жиҳатидан трансгравитациявий боғлиқликка АҚШ Президентлари А.Линкольн – Р.Кеннедилар ўртасидаги ўхшашлик мисол бўла олади.

Линкольн 1818 йилда, Кеннеди эса 1918 йилда таваллуд топган (фарқи 100 йил). А.Линкольн 1860 йилда, Кеннеди 1960 йилда АҚШ президенти этиб сайланган (фарқи 100 йил). Иккиси ҳам жума кунида, умр йўлдошлари кўз олдида, танасининг бош қисмига отиб ўлдирилган. Линкольн "Кеннеди" номли театрда, Кеннеди эса "Линкольн" номли автомобилда кетаётганда ўлдирилган. Иккиси ҳам АҚШ жанубидан ва демократлар вакили бўлган. Иккиси ҳам президент бўлгунга қадар АҚШ Конгрессининг сенаторлари эдилар. А.Линкольнга суиқасд қилган Джон Уилкис Бут 1839 йилда туғилган. Кеннедини отиб ўлдирган Ли Харви Освальд эса 1939 йилда туғилган (фарқи 100 йил). Иккисининг ҳам исми 15 та ҳарфдан иборат (John Wilkes Booth ва Lee Harvey Oswald).

А.Линкольнга суиқасд қилган Бут театрдан қочиб унинг томида қўлга олинган. Освальд эса томдан қочиб, театр биносида қўлга олинган. Линкольн ўлимидан сўнг Джонсон АҚШ президенти бўлган. Кеннеди ўлимидан сўнг ҳам Джонсон АҚШ президенти бўлган. Эндрю Джонсон (Линкольндан сўнг бўлган президент) 1808 йилда туғилган. Кеннедидан сўнг АҚШ президенти бўлган Линдон Джонсон эса 1908 йилда таваллуд топган (фарқи 100 йил).

Тарих ҳақиқати – ҳеч нарса ўз-ўзидан, тасодифан содир бўлмаслигини англатади. Тарихий воқеаларнинг барчаси муайян трансгравитациявий ва социодинамик жараёнлар бирлигида намоён бўлади.

Юқорида келтирилган салбий ва ижобий характердаги тарихий шахслар ҳаёти, фаолиятидаги ўзаро мувофиқликдан шундай хулоса қилиш мумкинки, фазо ва вақт жиҳатидан ўзаро мос бўлган трансгравитациявий жараёнлар келгусида ҳам рўй бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, трансгравитациявий ва социодинамик жараёнларни илмий фараз усули ёрдамида тадқиқ этиш, ўрганиш ўзининг илмий ва амалий аҳамиятига эга. Трансгравитациявий ва социодинамик жараёнларда содир бўладиган ҳодисалар инсоният, миллат, давлат ва айрим шахс ҳаётининг келгусидаги тақдирига ўзининг жиддий таъсирини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Танланган асарлар. 1 том.- Т.: Фан, 1968.- 488 б.

2. Темур тузуклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги матбуот матбаа бирлашмаси, 1991.- 144 б.

3. Юнусов К.А. Социогравитация: моҳияти ва амал қилиш хусусиятлари.// Илмий хабарнома.- АДУ .- 2016.- № 1.- Б.33-36.

4. Стругацкий М.К., Надеинский Б.П. Умумий химия.- Т.: Ўқитувчи, 1968.- 432 б.

5. Юнусов К.А. Ўзбекистон тарихий тараққиётига таъсир кўрсатувчи омиллар. // Илмий хабарнома.- АДУ.- 2008.- № 3.- Б.68-73

6. Наука Fandom powered by Wikiaru.science.wikia.com/wiki/Юпитер

7. http://www.liveinternet.ru/users/

8. http://www.galya.ru/clubs/show.php

Андижон давлат университети,
2016 йил 29 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)